



ISSN (E): 2181-4570

Маматқобилова Сабохат Шокир қизи
Термиз давлат университети таянч доктаранти
ЮНОН-БАКТРИЯ ПОДШОЛИГИДА ПУЛ МУНОСАБАТЛАРИ
ВУЖУДГА КЕЛИШИНИНГ ТАДҚИҚОД ТАРИХИ
АННОТАЦИЯ

Мақолада Юнон-Бактрия подшолиги тарихи ва маданиятининг тарихчилар томонидан ўрганилганлиги, йиллар давомида уларнинг Юнон-Бактрия подшолигининг мавжуд ёки сароб эканлиги тўғрисидаги илмий баҳс мунозаралари, Юнон-Бактрия подшолигига оид муҳим топилмалар тўғрисидаги маълумотларнинг манбалар ва адабиётларда тақдим этилганлиги акс этган.

КАЛИТ СЎЗЛАР:

Юнон-Бактрия подшолиги, Эллин ва Шарқ маданияти, Полибий, В. Тарн, “Бактрия сароби”, Эллинистик Узоқ Шарқ, Г.З. Байер.

Энг қадимги давлатлар жойлашган Ўзбекистон худудида эллинизм цивилизацияси, ҳинд-европаликларнинг келиб чиқиши, дунё динларининг ўзаро таъсири ва шарқнинг энг қадимий давлатлари, уларнинг фаолияти каби мураккаб масалаларга ойдинлик киритувчи ноёб маълумотлар мавжуд.

XIX-XX асрларда эллинистик Бактрия тарихи Александр Македонский ва унинг ворисларининг шарққа юриши билан боғлиқ ҳолда ўрганилди. Шундан келиб қикиб, нумизматик ва ёзма манбалар асосида Юнон-Бактрия подшолигининг тарихига оид бир қанча қарашлар вужудга келди. Бу манбалар асосида биз Ахамонийлар истибдоди ва Александр босқини даврида Бактрия ўлкасидаги ҳолат ҳақида билимга эга бўлишимиз мумкин. Эллинизм тарихида Юнон-Бактрия подшолиги янги саҳифа очди¹. Ушбу давлат ўзида Эллин ва Шарқ маданияти уйғунлигини бошлаб берган давлат ҳисобланади. Шундай экан бу давлатда икки маданият алмашинувини ҳам кўриш мумкин. Юнон-Бактрия подшолиги сиёсий тарихи тўғрисида кўплаб тарихий манбалар мавжуд. Жумладан, Полибийнинг “Тарих” асарида биз буюк Антиох III нинг Шарққа юриши билан боғлиқ бўлган Юнон-Бактрия тарихи ҳақида жуда қизиқарли маълумотни топамиз. Полибий Антиох ва бактрияликларнинг Амударё бўйидаги жанги, Антиох қўшинларининг Бактрияни қамал қилгани ҳамда Юнон-Бактрия

¹Попов А.А. Греко-Бактрийское царство. Москва, 2008. С. 3.





подшоси Евтидем ва Антиох ўртасидаги тинчлик шартномаси тузилишини тасвирлайди. Страбон ўз асарларида Евтидем ва унинг тарафдорлари Бактрияда кўтарган кўзғолони ҳақида хабар беради. Помпей Трогнинг “Филипп тарихи” асари орқали маълумотларнинг етишмаслигига қарамай, бизда Юнон-Бактриянинг дастлабки тарихи, подшоҳ Диодот I ва Диодот II ҳукмронлигининг бошланиши, подшоҳ Евкратиднинг ҳукмронлиги ва ўлими тўғрисида ҳамда, Юнон-Бактрия ва Парфия давлатлари ўртасидаги муносабатлар ҳақида қимматли маълумотларга эга бўламиз. Марказий Осиёда эллинизм даври маданияти меъморчилиги ва ҳайкалтарошлиги ҳақида дастлаб маълумотлар жуда кам эди.

XX асрнинг иккинчи ярмида Бактрия санъатида жуда кўплаб юнон афсоналаридаги худолари, шунингдек, баҳодирлари тасвирланган юнон услубида зарб қилинган тангалар топилди. Марказий Осиёдан топилган бир қанча заргарлик буюмлари ҳам эллинизм даври маданиятига тегишли деб тахмин қилинди. XX асрнинг биринчи ярмида қадимги Бактрия ҳудудида археологик тадқиқотлар деярли олиб борилмаган эди. Бактриянинг сиёсий ва ҳарбий воқеаларга бой тарихи, монументал санъат ёдгорликлари йўқлиги сабабли, Александрнинг ҳарбий юришлари ҳақидаги маълумотлар бўлишига қарамасдан, Юнон-Бактрия подшолигининг жамиятда мавжудлиги ҳақида шубҳаларни келтириб чиқарди. В. Тарн “урушларга сингишиб кетган Бактриянинг юнон ҳукмдорлари, санъатга умуман қизиқмайди”² деган хулосага келади. В. Тарннинг ёзишича, Александр Македонский келган Шарқий Эрон, шу жумладан, Бактрия ва Сўғдиёнада “шаҳарлар деярли номаълум бўлган” эллинлар келгунига қадар бу ҳудудларда Аҳамонийлар қалъалари бўлган, холос. 1938 йилда В. Тарннинг “Юнонлар Бактрия ва Ҳиндистонда” номли монументал асари нашр этилади. XX асрнинг 50-60 йилларида тарихчи олимлар ўртасида Юнон-Бактрия давлати ростдан ҳам мавжуд бўлганлиги ёки бу қуруқ уйдирма эканлиги тўғрисида қизгин тортишувлар бошланиб кетади. Бир гуруҳ тарихчилар В. Тарннинг фикрини рад этади. Жумладан, А.К. Нарайн Юнон-Бактрия давлати ҳукмдорлари ҳокимияти, уларнинг шафқатсизлиги ҳақидаги аниқ асосли фикрлар мавжудлигига қарамасдан, тарихда бундай давлатнинг мавжуд бўлганлигини рад этади. Ф.Л.Холтнинг Бактрияга оид бир нечта китобларини ҳам таъкидлаш

²Tarn W.W. Notes on Hellenism in Bactria and India // JHS. London. 1902. Vol XXII. P 283, 293.





ISSN (E): 2181-4570


керак, хусусан “Александр Македонский Бактрияда : Марказий осиёда юнон чегараларининг шаклланиши”, “Зевс чакмоғи: Эллинистик Бактриянинг пайдо бўлиши”, “Александр Македонский ва Фил медалионларининг сири”, “Суяклар ўлкасига кириш: Буюк Александр Афғонистонда” асарлари нумузматик амалий тадқиқотлар бўлиши билан бир қаторда, эллинистик Бактрия тарихи билан боғлиқ кенгроқ танишиш имкониятини беради.

Ф. Холт Юнон-Бактрия давлати ва тарихи ҳақида фикр билдириб, шундай дейди: “В. Тарн Бактрияга қадимги юнон тили ва адабиёти мутахассиси сифатида баҳо бермоқда, у ушбу ҳолатни йуқолган эллинизм тарихининг бир қисми деб баҳолайди”³. А.К. Нарайн “Юнон-Бактрия ва Ҳинд-Юнон подшоликлари тузилиш жиҳатдан эллинистик давлатлардан фарқ қилади, Бактрия бешинчи эллинистик давлат бўлмаган” дея фикр билдирган. Баъзи бир ғарб олимлари Александр ва ворисларининг шарқдаги фаолиятини ўлка шаҳарсозлигида аҳамият касб этмаган деб баҳолайди. Ж. Кук ўз фикрини қуйидагича баён этади: “Александр ва унинг ворислари томонидан шарқда барпо этилган янги шаҳарлар, йўлларни қўриқлайдиган ва ҳужум хавфидан ҳимоялайдиган ҳарбийлашган колониялар эди. Илк юнон кўчманчилари асосан аскарлар ва нафақадаги ҳарбийлар эди шу тахлит улар ҳарбий биноларни бунёд этишган эди”⁴. Ушбу позицияни Ж. Вудкок ҳам қўллаб-қувватлайди.⁵ Бактриянинг тарихий буюклигини ўзида акс эттирган монументал санъат асарларининг топилиши тадқиқотчиларни хайратда қолдирди. К.В. Тревернинг⁶ фикрича “деярли йигирма аср давомида ўзининг бадиий образлари билан халқ хотирасида сақланиб қолган Юнон-Бактрия подшолиги маданияти ва санъати ҳақида деярли тўлиқ маълумот йўқлиги Бактрия шон шуҳратига жуда зид эди”. Ушбу тадқиқотчи Урал ва Сибирдан топилган топилмаларни Юнон-Бактрия санъатига боғлаш асосида Бактрия санъатининг тикланишига катта ҳисса қўшади. К.В.Тревернинг асарлари Юнон-Бактрия санъати, моддий маданиятини ўрганишда муҳим рол ўйнайди, баъзи бир камчиликларига қарамасдан ҳозирги кунгача ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда. Шунга қарамай, француз олими,

⁴Cook J.M. The Greeks in Ionia and the East. London, 1962. P. 120.

⁵Woodcock G. The Greeks in India. London. 1966. P. 64.

⁶Тревер К. В. Памятники греко-бактрийского искусства. Москва - Ленинград, 1940. С. 2.






Афғонистондаги Франция археологик миссиясининг асосчиси А. Фуше илмий адабиётларга “Юнон-Бақтрия сароби” тушунчасини киритди. А. Фуше Қадимги Бақтрия-Балхда ўн саккиз ой давомида, қаттиқ иқлим шароитида олиб борилган қазишмалар давомида бирор бир юнон ёдгорликларини топа олмайди. Унда минтақанинг мўл-кўл тангалари, Юнон-Бақтрия ва Ҳинд-Юнон давлатларининг ҳақиқий маданий динамикасини нотўғри таассурот қолдирди. Афғонистонда А. Фуше бошчилигидаги француз археологлари Юнон-Бақтрия санъатининг ёдгорликларини топишга интилишди. Бироқ изланишларидан ҳафсаласи пир бўлган А.Фуше Юнон-Бақтрия санъати, биринчи даражали танга тасвири мавжудлигига қарамай, бу саробдан бошқа нарса эмаслигини таъкидлади⁷.

А. Фушенинг қазишмалари : юнон меъморчилигининг ажойиб асарлари, артефакт ва ёзувлар нашр эттирилди. Жумладан, “Бақтрия сароби ва археологик ҳақиқат” Афғонистонда А. Фуше бошчилигидаги француз археологлари Юнон-Бақтрия санъатининг ёдгорликларини топишга интилишди. Бироқ изланишларидан ҳафсаласи пир бўлган А.Фуше Юнон-Бақтрия санъати, биринчи даражали танга тасвири мавжудлигига қарамай, бу саробдан бошқа нарса эмаслигини таъкидлади⁸. А. Фуше Юнонистоннинг Узоқ Шарқдаги археологик тадқиқотлар тарихи сериясининг биринчи жилдида афсус билан , классик тарихий манбаларда олинган эллинистик Бақтрияда кучли юнон маданияти тушунчасини рад этиш ва минтақадаги юнон таъсири остида зарб этилган тангаларга “сароб” эканлигини айтади.

1960-1970 йиллардаги Ўрта Осиёда пайдо бўлган янги археологик материалларнинг хилма-хиллиги тезда ўз муаммоларини келтириб чиқара бошлади. Ой Хонимдаги баддий ва меъморий услубларининг мураккаб кесишишлари тўғридан-тўғри юнон-“шарқ” уйғунлиги аниқланмайди. Эллинистик Бақтрия сароблиги эмас балки эллинистик узоқ шарқнинг моддий маданияти, уни яратган вазият, жамият билан қандай боғлиқлиги ҳақида фикр юритиш таклиф қилинди.Юнонистон Узоқ Шарқнинг тарихини Ой-Хонимдан олдин ва кейинги тарихига бўлиш истаги пайдо бўлди. Кам сонли бўлсада

⁷Foucher A. and E. Bazin-Foucher (1942/47) La vieille route de l'Inde de Bactres à Taxila. (MDAFA. 1.) Paris: Les Éditions d'Art et d'Histoire. 1942(1947). P. 73-144.

⁸Foucher A. and E. Bazin-Foucher (1942/47) La vieille route de l'Inde de Bactres à Taxila. (MDAFA. 1.) Paris: Les Éditions d'Art et d'Histoire. 1942(1947). P. 73-144.





Бақтрияда олиб борилган қазилар ишлари, Бақтриянинг бошқа шаҳарлари ҳақида таассуротларимизни ўзгартириб юборди.

1961 йилда Афғонистондаги Франция археологик экспедициясининг раҳбари Д. Шлюмберже Британия Академиясида сўзга чиқиб, А. Фушенинг назариясини “постюнон маданиятлари”⁹ билимларига асосланиб рад этди. У Бақтрия ва Парфияга эллинизмнинг таъсирини аниқ кўрсатиб берди. Д. Шлюмберже шарқнинг Юнонистондан кейинги маданияти учун “эллинилашган санъат” тушунчасини киритди. Ниҳоят 1964 йилда Д. Шлюмберже томонидан Афғонистон шимолидаги юнон полисларига хос жамоат ва хусусий биналар кўринишидаги монументал меъморчилик, юнон ҳайкатарошлиги ва эпиграфикасини ўзида акс эттирган Ойхонимнинг очилиши “Юнон-Бақтрия сароби” тушунчасини йўққа чиқарди. Антик даврнинг адабий аънаналарига суянган олимларнинг фикрлари ниҳоят ўз тасдиғини топди. Бақтрия ўзининг меъморий аънаналари, давлат тузилиши ва бошқарувининг юнон тилида юритилганлиги, қироллик иконографияси билан шубҳасиз эллинистик давлат эди.

Ф.Видеманнинг асарларини янги стандарт маълумотнома ишларидан бири дейиш мумкин. Унинг тарихий ёндашувидаги матнлар нумузматикага асосланади ва диққат марказида Юнон-Бақтрия ва Ҳинд-Юнон қироллари, хронологияси, ҳудудий эгаликлари ҳақида нумузматик далилларнинг биринчи замонавий синтезини синаб кўрди .


Ф.Видеманнинг 2001 йилги тадқиқотида Аҳамонийлардан Ҳинд-Юнон ҳукмронлиги охиригача Шарқда Юнонистонниг жойлашув тарихини изоҳланган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати :

1. Mairs, Rachel "Bactrian or Graeco-Bactrian Kingdom," in The Encyclopedia of Empire, First Edition. Edited by John M. MacKenzie. Wiley Blackwell Encyclopedia of Empire, London: Wiley-Blackwell. 2016. P.1-2

2. Попов А.А. Греко-Бактрийское царство. Москва, 2008. – 240 с.

⁹Schlumberger D. The Excavations of Surkh Kotal and the Problem of Hellenism in Bactria and India // Proceedings of the British Academy. Vol. XLVII. London: Oxford University Press. 1961. P. 77-95





ISSN (E): 2181-4570

3. Абдуллаев Ў.И. Ўрта Осиёда қадимги бошқарув ва илк давлатчилик тарихшунослиги. – Тошкент, Akademiya, 2009. – 142 б.
4. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. - Тошкент, 2000. 157 б.
5. Ааскаров А.А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. Тошкент 2015.,190-191-б.
6. Муртазаева Р.Х. ва бош. Ўзбекистон тарихи.Тошкент. Б.43. 2010 й.
7. Муқимов З. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи.Т.Адолат 2003 й.
8. Ртвеладзе Э.В, Саидов А,Х, Абдуллеев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. – Тошкент, Адолат, - 2001. – 239 б.
9. Э.В.Ртвеладзе.Ўзбекистоннинг тарихий ўтмиши.Тошкент.2009.П-23

